



journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

DERBEND AND DERBEND PEOPLE (Historical and ethnographic records)

Shakhboz Chorshanbiev
Termiz State University
Termiz, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Darband, Temir kapig, Darvozai akhanin, genealogy, identities, ethnotourism, south Hisar, darbandi, chagatai.

Received: 01.10.23

Accepted: 03.10.23

Published: 05.10.23

Abstract: The article, based on historical and ethnographic sources and ethnographic materials, examines the historical settlement of Derbend, located in the very heart of the hisar mountain range, as well as the customs, rituals, genealogical, ethnic and territorial affiliation of the inhabitants of the village of the same name. analyzed on the basis of existing scientific literature, research results and materials of the author.

ДАРБАНД ВА ДАРБАНДЛИКЛАР (Тарихий-этнографик лавҳалар)

Шаҳбоз Чоршанбиев
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Дарбанд, Темир Қапиг, Дарвазаи оҳанин, оила-шажаралари, генеалогия, ўзликлар, этнотуризм, Жанубий Ҳисор, дарбанди, чигатой.

Аннотация: Мақолада тарихий-этнографик манбалар, этнографик материаллар асосида Ҳисор тог тизмалари бағрида жойлашган Дарбанд тарихий истеҳкоми ва шу номдаги қишлоқ ахолисининг урф-одатлари, маросимлари, генеалогик, этник ва ҳудудий ўзликлари масалаларининг ўрганилиши, мавжуд илмий адабиётлар, тадқиқот натижалари, муаллифнинг дадла материаллари асосида таҳлил этилган.

ДЕРБЕНД И ДЕРБЕНДЦЫ
(Историко-этнографические записи)

Шахбоз Чоршанбиеv

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Дарбанд, Темир Капиг, Дарвозаи аханин, родословные, генеалогия, идентичности, этнотуризм, Южный Хисар, дарбанди, чагатай.

Аннотация: В статье на основе историко-этнографических источников, рассмотрено историческое городище Дербенд, расположенное в самом сердце Хисарского горного хребта, а также обычаи, обряды, генеалогическая, этническая и территориальная принадлежность жителей одноименного села. Анализируются на основе существующей научной литературы, результатов исследований и материалов автора.

КИРИШ

Дарбанд қишлоғи тарихи борасида фикр юритар эканмиз, бевосита хитойлик сайёҳ Сюан Цзан милоднинг еттинчи асрида ушбу ўлкада бўлиб, ўзининг сафарномасида шундай ёзган эди: "Суғд шимол ва ғарбда Чу дарёси ҳамда жануб ва ғарбда Дарбанд дарвозаси ўртасида жойлашган ўлқадир". Хитойлик сайёҳнинг Дарбанд дарвозаси деган ишорасида машхур ва йирик Темир дарвоза назарда тутилиб, Суғд ва Тоҳаристон тарихий ўлкаларининг табиий, балким, маъмурий чегара худуди ҳисобланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Дарбанд қишлоғи Ҳисор тоғининг жанубий тармоғи – Саримас, Ҷўлбаир ва Сувсиз тизмалари оралиғида жойлашган. Дарбанднинг ўзи аслида қадимий қишлоқ бўлган. Маҳаллий аҳоли нутқида “Дербент” тарзида таллаффуз қилинади. Топонимшунос олим Т.Нафасов бу ном аслида ороним (рельеф типлари ва шакллари) бўлиб, қишлоқ номи шундан келиб чиққан дейди ва дарбанд дегани - тўсиқ, бўсаға, эшик олди; тоғдан ўтаётган йўлнинг киравериш жойи; даранинг танг, сиқиқ жойи деган изоҳни келтиради. Бевосита “Темир дарвоза” тарихий истеҳкоми бўйича тадқиқотлар ўтказган археолог олим Ш.Рахмонов ҳам: “унинг маъноси тожикчадан дар-эшик ва банд ёпиқ, ёпиқ эшик деган маънони билдириб, қишлоқ яқинидаги маълуму-машхур Темир дарвозанинг ёпиқ, мустаҳкамлигига ҳам ишора бўлган” – деб аниқлик киритади.

Тарихий манбаларда, халқ хотирасида афсона ва ривоятлар тарзида “Темир дарвоза”, “Темир Қапиг”, “Дарвозаи оҳанин”, “Дарбанд” номлари билан аталадиган тарихий истеҳком ва қишлоқ номи борасида кўплаб тадқиқотчилар, сайёҳлар эътибор қаратса бошлаганлар. XIX

аср охири – XX аср бошларида Н.А.Маев, Д.Н.Логофет, В.Массалский, В.В.Григорьев, Р.Ю. Рожевиц, Б.Н.Кастальскийларнинг кузатишларида Дарбанд тарихий истеҳкоми излари ва шу номдаги қишлоқ хақида қизиқарли маълумотлар берилган.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, шарқшунос, археолог олимлар томонидан Темир дарвозанинг тарихий локализацияси, стратификацияси борасида тадқиқотлар олиб борила бошланди. Жумладан, В.В.Бартольд, М.Е Массон каби тарихчи, археолог олимлар томонидан тарихий манбалар ва археологик изланишлар натижасида Темир Дарвоза тарихий истеҳкоми борасидаги илк илмий мулоҳазалар нашр этилган.

Археолог олим, академик Э.В.Ртвеладзе томонидан 1980-йиллардан бошлаб, Дарбанд истеҳкомида дастлабки археологик кузатишлар амалга оширилди ва қатор мақолалар эълон қилинди. Шу билан биргаликда 90-йиллардан археолог олим Ш.Рахмонов археологик изланишлар олиб бориб, ўзининг янги материалларини нашр этди. Дарбанд истеҳкоми борасидаги изланишлар Ш.Рахмонов раҳбарлигида Ўзбек-француз археологик экспедицияси кенг қўламли тадқиқот ишларини давом эттириб, франциялик ҳамкасби Клод Рапен билан ҳамкорликда қўлга киритилган янги материаллар асосида қатор мақолалар эълон қилди.

Дарбанд ва умуман Бойсунтоғ тизмасидаги қишлоқларни ўрганиш “Бойсун халқаро экспедицияси” доирасида ва тадқиқотчиларнинг индивидуал изланишлари натижасида нафақат археологлар, балки қатор этнограф, санъатшунос ҳамда фольклоршунос тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган.

Маъмурий жиҳатдан Ҳисор ўлкаси ўша вақтларда ўн беклика бўлинган, яъни Ғузор, Шеробод, Бойсун, Денов, Юрчи, Ҳисор, Балжувон, Кўлоб, Қўрғонтеппа ва Қабодиён бекликлари. Амлокдорлик вазифалари Дарбанд ва Файзобод шаҳарларига шахсан амирнинг ўзи томонидан топширилган. Бошқа шаҳар ва қишлоқларда амлокдорлик вазифалари беклар томонидан тайинланган.

Темир дарвоза истеҳкоми ҳақидаги илк тарихий маълумотлар Хитойлик саёҳатчи Сюан Цзяннинг (милодий 630 йилларда) кундаликларида қайд этилган. Жумладан, “ўтиш чап ва ўнг тарафдан тоғлар билан чегараланган. Бу тоғлар ниҳоятда баланд, йўл эса фавқулодда тор бўлиб, икки томондан тик ва темир рангдаги қоялар осилиб туради. Тоғнинг тор қисмида икки табақали ёғоч дарвоза бўлиб, у темир билан қопланган ва унга кўплаб қўнғироқлар осилган”. Шу билан биргаликда ўша даврда Турк ҳоқонларининг битиктошларида ҳам Темир дарвоза номи Темир Қапиғ тарзида тилга олинган.

Айтиш жоизки, Темир-Қапиғ номи билан I аср туркий руник ёзувларида Темир дарвоза номи қайта-қайта тилга олинган бўлиб, туркларнинг Бумин ва Истеми-ҳоқон давридаги юришлари даври(VI аср) гача етиб келган. Академик Б. Ғафуровнинг ёзишича, "Култегин битигларидан маълумки, улар (Мухан ва Истеми номли турк ҳоқонлари) ўз халқларини

“Фарбий денгиз” (Орол денгизи) дан Темурқапиқгача бўлган кенг худудларда жойлаштирган. Темурқапиқ эса Темир Дарвозанинг илк ўрта асрлардаги номи бўлган. Ушбу тоғли йўл орқали Тоҳаристондан Суғдга ўтиларди ва дарвозанинг ўзи Бойсун тоғларида жойлашган эди". Арабфорс географик адабиётида унинг дастлабки эслатмалари Ал-Ёкубийда (IX аср) мавжуд бўлиб, улар "Дараи Оҳанин" деб аталган.

Аммо 1403 йилда испан саёҳатчиси Ганзалес де Клавихо Дарбанд йўлидан ўтаётган пайтида Темир Дарвоза йўқлигини ва ундан икки томонида баланд тоғлар қад кўтарган тор йўлакда айрим қолдиқлар қолгани ҳақида маълумот берган.

Юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, Дарбанд номи ўтмишда ҳам ва бугунги кунда тарих сахифалари, сафарнома, қайднома ва илмий мақолаларда тез-тез эсга олиб турилган. Академик Эдвард Ртвеладзенинг ёзишича, “Термиз, Чўчқа-Гузар ва Шўроб кечувларидан шимол ва шимолий шарққа олиб борувчи йўлларда ҳаёт анча ривож топган. У ердан Термиз-Дарбанд (Темир Дарвоза) йўли бўйлаб Ангор ва Шеробод тумани ёнида Аҳамонийлар даврининг манзилгоҳлари (Жондавлаттепа) топилган. Дарбанд ўтган асрларда божхона идораси мақомида бўлгани ҳам ушбу мақолада зикр этилган. “Йирик божхоналар Дарбанд қишлоғида Бақтрияни Суғд билан бошловчи асосий катта йўлда юзага келади”, деб таъкидлаган академик Э. Ртвеладзе. “Тармит (Термиз) ва Кампирте падан Шерободга ва ундан Дарбанд, Кеш, Суғдга олиб борадиган йўл ҳамда Келифдан шимолга ва Кўҳитанг дарё воҳаси бўйлаб ва ундан Ҳазраттепа довони орқали Оқработга, Дарбандан шимолий ғарбга 20 км. ичкарига олиб кирувчи йўл ҳам гавжум бўлган”.

Қадимда Дарбанд шаҳарчаси аҳолиси дарага борувчи йўлни доимий қўриқлаб турган. Дарбандлик қариялардан бири Сафар Бекматнинг айтишича, VI-VII асрларда унинг аждодлари Темир Дарвозанинг посбонлари бўлишган ҳамда Ғарб давлатларига борувчи ҳиндишонлик ва хитойлик савдогарлардан давлат божи олишган. Шу сабабдан уларнинг аждодларини “раҳдор” (йўл эгаси) деб аташган.

Сурхондарё воҳасининг энг шимолий чегарасида, машҳур Темир дарвозалар ёнида 11-12-асрларда кичик карвонсарой қурилган Мазкур карвонсаройнинг шукуҳи ҳақида кўплаб факtlар мавжуд бўлсада, бу ноёб иншоот бизнинг давримизгача афсуски, етиб келмаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Биз бутун карвонсаройнинг структуравий элементларини баҳолай олмаймиз, чунки бу асрнинг бошида (XIX аср – III.Ч.) бино бутунлай вайрон бўлган ва 1938 йилда тадқиқотчилар унинг схематик режасини собиқ пойдеворлар ариқлари бўйлаб тиклаган. Дарбанд яқинидаги карвонсарой Ўрта Осиё Месопотамияси худудидаги бундай турдаги дастлабки бинолардан бири ҳисобланади”.

Дарбанд қишлоғи кўплаб қишлоқ мавзеларига бўлинган. Тадқиқотчи Б.Х.Кармишева бўйича булар 11 та деб кўрсатилган. Аммо кейинги тадқиқотларда 11 та эмас 21 та қишлоқ-

мавзега эга эканлиги таъқдланган. Унинг атрофида қўнғиротларнинг Даҳнажом, Хўжабўлғон, Шўроб қишлоқлари жойлашган ва бу ердаги кенг адирликлардан чорвалари учун яйлов сифатида фойдаланганлар. Ахборотчиларнинг айтишича Чамбул, Қапчиғай, Оқмачит каби қишлоқ-мавзеларда қўнғиротларнинг қўштамғали уруғи таркибига кирувчи Оқпичоқ ва Кал бўлинмалари яшаган. Кейинчалик қандайдир сабаблар туфайли дарбанди чигатайлар жойлашиб қолган.

1924 йилги районлаштириш материалларида Дарбанд волостида (Дарбан, Сайроб, Панжоб қишлоқлари киради) 4978 тожик аҳоли рўйхатга олинган. Дарбандда эса 1363 киши қайд этилган. Бу қишлоқ аҳолиси дала тадқиқотларида маълум бўлдики, ўзига хос оила-қариндош гуруҳлари - патронимларга бўлинади. Улар Дарбанддаги юқорида санаб ўтилган қишлоқ-мавзеларда аралаш ҳолда тарқалган.

- Момо Алиги - улар кўпсонли бўлиб, 5 шохни ташкил этади;
- Буччаги - номи ҳайвонлар тўғрисидаги афсона билан боғлиқ бўлиб, у ҳам 5 шохни ташкил этади;
- Шоди Хўжаги - камсонли бўлиб, 5 шохни ташкил этади.

Бу оила-қариндош гуруҳлари қадимдан бир-бири билан никоҳ муносабатларида бўлганлар. Шунингдек, Сайроб, Панжоб, Бойсун тожиклари билан ҳам маълум даражада никоҳ муносабатларида бўлиб келганлар. Уларнинг шехони уруғи Панжобда ҳам бўлиб, улар ўзларини Афғонистондан келган деб хисоблайдилар.

Дарбандда сақланиб қолган бу каби оила-уруг шажаралари турли генеалогик (Момо Алиги, Бучаги, Шоди Хўжаги) ва провард натижада худудий (дарбанди, бойсуни, тоғлик) этник (чигатой, тожик) ўзликларни узоқ тарихий даврлар мобайнида сақланиб қолиши омили бўлган.

Дарбандликларнинг хўжалигига чорвачилик, дехқончилик, боғдорчилик, ёғоч ва тошларга ишлов бериш, ўймакорлик, гилам тўқиши ва бошқа хунармандчилик машғулолари етакчи ўринда турган. Дарбанд аёллари кўпроқ уйда турли касблар билан банд бўлишса, эркаклар эса тижорат, кураш турлари ва кўпкари билан шуғулланиб, ушбу соҳаларда машхур ном ва шуҳратга эга бўлишган. Ўша пайтда халқнинг диний эътиқоди оташпаратлик бўлган.

Дарбандликларнинг кундалик турмушида ўтмиш даврнинг кўплаб урф-одатлари сақланиб қолган. Масалан, мазкур қишлоқ аҳолиси ҳозир ҳам эшикларига қулф солмайди, ҳовли эшиклари очиқ туради, хул мевалар, тухум, сут ва қатиқ бепул берилади. Бир неча йил олдин гўштни ҳам қўшнилар бир-бирларига бепул беришган. Ҳозиргача бу қишлоқда бозор мавжуд бўлмаган. Иморат қуришга Дарбанд халқи алоҳида эътибор беришади. Ёғоч ўймакорлиги билан безатилган баланд уйлардаги айвонлар ва кўркам хоналар, тошдан қурилган ўзига хос пойдеворлари ҳозир ҳам бошқа жойларда учрамайди. Уйнинг ички

хоналари дарбандлик аёллар томонидан тайёрланган гилам, кигиз, сўзана ва бошқа матоларда солинган турли нақшлар билан безатилган. Дарбанд халқининг меҳмондўстлиги таҳсинга сазовордир.

Зардуштийлик ва оташпарамтлик излари акс этган урф-одатлар ҳозиргача сакланиб қолган. Уйларда айрим маросимлар учун чироқ ёкиш, беморлар боши атрофида оловни айлантириш, келинни дарвозанинг икки томонида ёқилган олов ўртасидан ўтказиш шулар жумласидандир.

Ислом дини таълимотига мувофик, дағн маросими учун қабрларнинг бошига аёлларнинг бориши ман этилган. Бироқ саксонинчи йилларнинг охиригача дарбандлик аёллар сочларини эркин ташлаган ҳолда баланд овозда йифи-сиғи қилиб, вафот этган азизларининг дағн маросимларига боришарди. Агар вафот этган қариндошлари ёш бўлса, кийимларини қўк рангга бўяб, икки йилгача аёллар азадорлик қилишарди.

Маълумки, XX аср бошларигача бўлган кўпгина муаллифлар шаҳар тушунчasi - бу жойларда маҳаллий аҳолининг ўзи ўз яшаётган жойини шаҳар деб атасагина шаҳар бўлиши мумкин деб ҳисоблаган. Масалан, Дарбанднинг ҳеч қачон ўз бозори бўлмаган деб маълумот беради кўпгина ахборотчилар. Демак, шаҳар бўлиши учун йирик аҳоли пунктлари шаҳар деб аталишга асос бўлувчи юқорида санаб ўтилган одатдаги ва қадимий анъаналарга эга бўлиши керак. Дарбандни эса йирик ва қадимий аҳоли пункти бўлишига қарамасдан, ерли аҳоли шаҳар деб ҳисобламайди. Ўзбекистон шаҳарларининг аҳолиси кўпинча икки тилли бўлиб, аксарият ҳолларда ўзбек ва тожик тилли бўлган. Дарбандда эса фақат тожик тилли аҳоли яшаган.

ХУЛОСА

Дарбанд тарихий истеҳкоми ва шу номдаги қишлоқ тарихи, этнографиясининг баъзи жиҳатларини ўрганиш натижасида дарбандликлар ва атрофдаги қишлоқ аҳолиси орасида кўпгина тарихий ривоят ва афсоналар сакланиб қолганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий этакларида жойлашган қадимий қишлоқлар аҳолисининг урф-одатлари, маросимлари, анъаналарини, тил хусусиятлари, фольклор меросини ўрганиш ўзбекистоннинг этнотуризм салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Нафасов Т. Толковый словарь топонимов Узбекистана: (Юж. р-ны Узбекистана) / Т. Нафасов. - Ташкент: Узбекистан, 1988. – С. 57.
- Рахмонов Ш.А. Новые данные о стене на Железных воротах // ОНУ. №1-2. 1994. – С. 49.
- Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края : Ежегодник / СПб. 1879. — Вып. 5. — С. 123, 146; Логофет Д.Н. В горах и на равнинах Бухары: (Очерки Сред. Азии). — СПб. 1913. — С. 75. – 619 с; Массалский В. Гиссарская

экспедиция. / Энциклопедическая словарь Брокгауза и Ефона. В 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1893. – Т. VIIIа. – С. 764; Григорьев В.В. Поход Александра Великого в западный Туркестан // Журнал Министерства народного просвещения. – М., 1881; Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г. // Известия ИРГО. – 1909. – Т. XIV. – С. 652.; Кастальский Б. Н. Историко-географический обзор Сурханской и Шерабадской долины // Вестник ирригации. – Ташкент, 1930. – № 3. – С. 14.

4. Бартольд В.В. Дер-и-Ахенин //Сочинения: В 9 т. – М. 1965. – Т. 3. Работы по исторической географии.; Массон Е.М. К вопросу о северных границах государства “великих кушан” // ОНУ. – 1968. – № 8. – С. 14-26.

5. Ртвеладзе Э.В. Стена Дарбанда Бактрийского //ОНУ. – 1986. — № 12; Ўша муаллиф. Великий шелковый путь: Энциклопедический справочник: Древность и раннее средневековье. – Тошкент, 1999. – 280 с.; Ўша муаллиф. Дар-и Аханин – Дарбанд // Труды Байсунской научной экспедиции. Выпуск I / А. А. Хакимов (ред.). – Ташкент, 2003. – С. 13-22; Ўша муаллиф. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002. – 93 с.

6. Рахманов Ш. А., Рапен К. О локализации Железных ворот // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. – Самарканд, 2000; Ўша муаллифлар. Железные ворота // Труды Байсунской научной экспедиции. Выпуск I. – Ташкент, 2003. – С. 22–32.

7. Устаев Ш.У. Дни недели в поверьях народов Южного Узбекистана / Краеведение Сурхандарьи. Ташкент, 1989. – С. 146-155.; Устаев Ш. У. Навruz (Новый год) в мифологических воззрениях таджиков и узбеков / Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 3. – Ташкент, 2007. – С. 171-178; Аширов А., Қаюмов А. Бойсун аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи: ўтмишда ва ҳозирда // Бойсун тарихи ва анъаналари. – Тошкент, 2005. – Б. 97-100 (ўзб. тил.). – С. 101-104 (рус тил.). Турсунов Н.Н. Этнические особенности населения южносурханского оазиса (конец XIX- начало XX века). Автореф. дисс. канд. ист. наук.– Ташкент. 2006. – 31 с.; Турсунов С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 140-156.

8. Гафуров Б. Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Книга первая. Душанбе, “Ирфон” – С.270.

9. Клавихо. Рюи Гонсалес. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403-1406 гг. /– СПб.: тип. Акад. наук, 1881. – С. 230.

10. Мозийдан садо. 3-4 сонлар, 2003 йил.

11. Даля ёзувлари. Дарбанд қишлоғи. 2023 йил. Средневековые памятники Сурхандарьи./Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А Ташкент, 1982. – С. 58.

12. Средневековые памятники Сурхандарьи./Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Ҳакимов З.А Ташкент, 1982. – С. 58.
13. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: 1976. – С. 51.
14. Қаюмов А. XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник ҳолат. – Тошкент. 2015 – Б. 80.
15. Материалы по районированию Средней Азии. Кн. I. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. I. Бухара. Ч. II. Хорезм. – Ташкент: 1926.– С. 278-279. Табл. 15.
16. Ушбу районлаштириш ишларида Дарбанднинг 1363 тожик аҳолиси нотўғри равишда шаҳар аҳолисига қўшиб ҳисобланган.
17. Бу маълумотлар Дарбандлик 85 ёшли Ҳайдар Авлиёзода ўғлидан 1996 йилда тадқиқотчи А. Қаюмов томонидан ёзиб олинган.
18. Даала материаллари. Бойсун тумани. Дарбанд қишлоғи. 2023 йил.
19. Даала материаллари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Дарбанд қишлоғи. 2022 йил.